

# АДИБА ГУЛЖАҲОН МАРДОНОВАНИНГ «ҚУЁШИМ- ЭНАМ» АСАРИДА УСЛУБ ВА МАҲОРАТ

Хуррият Мухиддиновна ХУДОЙМУРОВОВА  
Катта ўқитувчи  
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Термиз давлат университети  
Термиз, Ўзбекистон

## Аннотация

Ушбу мақолада адиба Гулжаҳон Мардонovanинг “Қуёшим энам” воқеий-қиссаси асаридаги услуб ва маҳорат таҳлилга тортилган.

**Таянч сўзлар:** қисса, эна, чинмаржон, ҳапамат, Бадахшон, қишлоқ, бадийлик, фольклоризм, фетишизм, шева.

## СТИЛЬ И МАСТЕРСТВО В ПРОИЗВЕДЕНИИ ПИСАТЕЛЯ ГУЛЖАХОН МАРДОНОВОЙ “СОЛНЦЕ МОЕ – МОЯ МАТЬ”

Хуррият Мухиддиновна ХУДОЙМУРОВОВА  
старший преподаватель  
Доктор философии (PhD) по филологическим наукам  
Термезский государственный университет  
Термез, Узбекистан

## Аннотация

В настоящей статье анализируется стиль и мастерство писателя Гулжахон Мардоновой на примере ее реалистической повести “Солнце мое – моя мать”.

**Ключевые слова:** история, мать, чинмарджон, хапамат, Бадахшан, село, художественность, фольклоризм, фетишизм, диалект.

Гарчи ўзбек адабиётида қисса жанрига оид илк реалистик асар намунаси XX асрнинг 30-йилларида яратилган бўлса-да, унинг тарихий илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, Рабғузийнинг “Қисаси ул-анбиё”, Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” каби асарларида қиссачилик элементлари кузатилади. Илк реалистик қисса жанридаги асарни яратиш ҳам А.Қодирийнинг чекига тузди. “Обид кетмон” қиссаси ўз даврининг, яъни колхозлаштириш сиёсатини бадий акс эттирди. Шундан кейин ўзбек адабиётида қисса жанрига оид қатор асарлар яратилди. Ҳар бир адабий авлод бу жанр такомлига янгича оҳанглар, янгича услублар олиб кирди. Олтмишинчи йилларга келиб, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Ў.Умарбеков сингари носирлар ижодида қисса жанри етакчи бўлди. Бу даврда

яратилган қиссаларда, асосан, ёшлиқ, муҳаббат, садоқат мавзулари бош тамойилга айланди. 70- йилларга келиб эса, адабиётимизда ўзига хос овоз билан янги бир авлод вакиллари кириб келди. Т.Мурод, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Х.Султон сингари ижодкорлар қиссаларида анъанавийлик ва модернистик руҳ сингдириб юборилганлиги билан ажралиб туради. Т.Мурод услубида халқона оҳанг, фольклоризм, Э.Аъзам ва М.М.Дўстдаги киноявийлик, Х.Султон ижодидаги лирик руҳ қисса жанрида ўз ифодасини тоғди.

Маълумки, услуб бадий адабиётнинг энг муҳим хусусиятлардан биридир. Ҳар бир ижодкорнинг бадий маҳорати унинг индивидуал услуби билан ҳам белгиланади. Яъни « унинг ўзига хос бой ҳаётий тажрибаси, нарсаларга, воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз қараши, нуқтаи назари, гўзаллик ва хунукликка нисбатан тушунчалари, симпатия ва антипатияси, таъби, диди ва интилишлари» орқали намён бўлади.

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг фикрича, « адабиётда ҳаммабоп тайёр қолип йўқ. Ижодкор ҳар сафар мавжуд воқелиқдан ва ўз тасаввуридан келиб чиқиб, ана шу реал воқелиқнинг теранликларини очиб берадиган инсоний муносабатларнинг янги шаклини кашф этиши керак». Рус ёзувчиси Ю.Казаковнинг фикрича, асар учун танланган сюжет унинг услубини ҳам белгилаб беради. Услуб муаллифнинг нима ҳақда ёзаётгани ва ўша вақтдаги ҳолатидан ҳам келиб чиқади [2].

Ҳозирги адабий жараёнда эса қисса жанри ўзининг полифоник қатламлар, мавзу ранг-баранглиги билан 70- 80- йиллар адабий авлодидан анча илдамлаб кетди. Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Зулфия Қуролбой қизи, Луқмон Бўрихон, Нурулло Чори ва бошқа ижодкорлар яратган қиссаларда ҳаётий манералар ўз ифодасини топа олди.

Гулжаҳон Мардонова ҳам қисса жанрида фаол ижод қилди. Адиб қиссаларига хос энг муҳим жиҳатлардан бири уларнинг бадий ҳужжатлилиқка асосланганлигидадир. Ёзувчи ўзи кўрган, билган воқеа ва ҳодисаларни қаламга олади. Ижодкорнинг “Қуёшим энам” қиссаси автобиографик характерга эга. Қаранг:

*“...Энам..Анордай бетлари қизил сатин кўйлагидан улги олган, кўкраклари ҳагапат, чинмаржон, дардиғознани қучоқлаб олган, томоқлари*

*жиякнусха бўтақўз билан беркинган, желаклари ҳилпиллаган, хиналанган бармоқларида тўртта кумуш пошшойи узуклар ялтиллаган энагинам Ҳовлидаги қайрағоч соясидаги амири сугада, энамга ўхшав-ўхшавмаган тўрт қиз, келбатли-қовматли тўрт ўғил юлдуз санаб гуркирайвердик...”*  
[4;9]

Асар шу жумлалар билан бошланади. Боблар билан танишар экансиз, асарда биографик руҳни кўрасиз. Одатда, биографик асарда ҳужжатлилик, ҳаққонийлик ва холислик етакчи ҳисобланади. Унинг марказида инсон ва унинг ҳаёти туради. Агар асар қаҳрамони таниш замондош бўлса муаллиф учун қийинчилик туғилмайди. Муаллиф учун қаҳрамонига тегишли ҳар бир деталь муҳим. Масалан, асар қаҳрамонининг мактуб, хотира, кундалик, буюмлари ва бошқалар.

Биографик асар муаллифидан, энг аввало, синчковлик, маълумотларни сохталашгиришга йўл қўймаслик, холислик талаб қилинади. Ирвинг Стоуннинг мана бу фикрлари биографик қисса ҳақида бўлса ҳам у барча биографик асарлар учун тўла мос келади. Биографик қиссанинг муаллифи бир одам ёхуд бир гуруҳ одамлар ҳақида материаллар йиғиш устида ишлайдиган биограф бўлмоғи керак. У бу материалларни таснифлашнинг мураккаб техникасини ўзлаштириб олмоғи, одамларнинг бошидан ўтган юз миллионлаб турли-туман ҳаётий воқеалар ичидан айна мана шу биттасини ажратиб олмоқ учун айрим олинган ҳар бир ҳолатга мос келувчи айрича услуб қўлламоғи, айрича ёзиш тарзини кашф этмоғи лозим [5].

Ўзбек ва жаҳон адабиётида Она образи алоҳида ўрин тутади. Назмда она образига мурожаат қилмаган шир йўқдир, эҳтимол. Аммо Она образи биринчи даражага чиқарилиб яратилган насрий асарлар бармоқ билан санарли даражада. Рус ёзувчиси Максим Горькийнинг “Она” романи, адибларимиздан Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Исажон Султоннинг “Онагинам” асарларини айтиш мумкин. Биламизки, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ҳокисор, меҳрибон ОНА образи жуда гўзал тасвирланган. Адиб Саид Аҳмад айтганидек: “...достондек ўқилади. Уни ўқиб ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз...”. Демокчимизки, Гулжаҳон Мардонованинг “Қуёшим энам” воқеий қиссаси ҳам Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси билан

ҳамроҳангдек. Ўткир Ҳошимовнинг камсуқум, меҳрибон, беозор шаҳарлик Ойиси билан Гулжаҳон Мардонованинг қишлоқлик Энаси образи. Ҳар иккаласининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Улар бир бирини такрорламайди. Ана шу ўзига хослиги билан ҳар икки асар қимматлидир.

Гулжаҳон Мардонованинг “Қуёшим энам” воқеий қиссасида Она образи теграсида миллий урф-одатлар, қадриятлар, унутилиб кетган турфа тақинчоқлар, буюмлар намўён бўлади. Асарга сўзбоши ёзган филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов “Халқ ичида юрган ижоднинг маросим кўшиқлари, эртақ, ривоят, мақол ва маталлари ҳам Она образи орқали тақдим этилади. Дарвоқе, ушбу воқеий қиссадаги барча воқелик “кўйлақларидан қалампирмунчоқнинг ўткир” муаттар ҳиди анқиб турган Она образи теграсида бирлашади” [4;6] деб ёзганда ҳақдир. Асар билан танишсангиз, оналарнинг муқаддаслигигина эмас, балки мўтабар зотларда қандайдир табиатнинг илоҳий кучи яширинганлигига гувоҳ бўласиз. Баъзан бу айтимларда яққол сезилиб қолади. Муаллиф ўзи ёзаётган воқелигини ҳаққоний чиқиши учун мавзунини обдон ўргангандек таассурот қолдиради. Аслида ҳам шундай.

*“...Оналар “хўг-хўг” дейишди-да, болаларини бешиктабелайверишди. Бешикни хунарлилар ўрик ёки толнинг қуриган ёғочидан тайёрлайверишди. Ва турфа бўёқлар билан безак бераверишди. Тувагини сополдан, сумагини эса туғдона дарахтининг ёғочидан тайёрлайверишди.*

*Ҳеч эътибор берганмисиз? Бешикнинг бош томонига гўдакнинг тушган киндигини осиб қўядилар. Шунда бола жисмининг бир бўлагини излаб йиғламас эмиш. Оналар боланинг ёстиқчаси тагига кўп нарсалар қўядилар. Бу нарсаларнинг қўйилишида оналарнинг умидлари ётади. Тош – боши тошдан бўлсин, нон – ризқи бутун бўлсин, пиёз – ажина-зиён яқинлашмасин, пичоқ – қуроли ёнида бўлсин каби. Унда болалар бир, бир ярим ёшгача ётадилар.*

*Бизнинг уйдаги ғийқиллайдиган бешикнинг қовузига исли арча барглари эзиб солинган. Энамнинг айтишича, исли арча баргларини тоғаларим бир пайтлар Лангар тоғларидан олиб келишган экан. Чақалоқ ухладими йўқми билиш учун бешик ёпқичини сал кўтарган кишининг*

*димоғига арча иси гупиллаб урилади.*

*Энам – билгани меҳнат, чеккани заҳмат энам Корсон- корсон сут совдим олов жоғиб маърака қозонда пиширдим уни совитиб кадиларга жойладим толли кўнарги солдим Бойқовил тоғам тутнинг навдасидан тўқиган саватди остига қўйдим ивиган қатиғу маззалигина қаймоқдан қайннаганам (қайнонагинам) Пардахол момога, кайваним Ортиқбайбичага, невараси Нафас раҳматлининг куйигига букчайган Тасин момо, ойдай тўлишганда бу дунёни тарк этган Мастуранинг энаси Мелихол чечамга илиндим – толдим, демайди [4; 13- 14].*

Маълумки, туркий халқлар мифологиясида тут, туғдона, чинор, ёнғоқ, анжир дарахтлари муқаддас саналади. Уларда илоҳий куч борлигига ишонилади. Маълумки, дарахтларни муқаддаслаштириш илмда фетишизм билан боғлиқ ҳолда қаралади. Ёзувчининг маҳорати фолклор аънаналарини воқеий ҳикоя тарзида келтира олганлигидадир. Қолаверса, Гулжаҳон Мардонованинг барча жанрдаги асарларида болалик хотиралари, у туғилиб, вояга етган макон ва замон ҳам муҳим ўрин туттади. Бунда баъзан унинг болалик хотиралари ҳам мотив вазифасини бажарган.

“Хушбўй нон тафти” бобида ёзувчи ўз ОНАСИ билан боғлиқ хотираларни тасвирлайди. Адиб бобда воқеликни бўрттирмайди. Гарчи ҳикоя марказида унинг ўз ОНАСИ турган бўлса- да, реалликдан чекинмайди. Онаси портретини борича, ҳаққоний кўрсатади: *“ энам кўзимга нон ясатиб ҳам нонга сув ураётиб ҳам нон ёпаётиб ҳам нон узатаётиб ҳам бир хилда чиройли кўринверади”* [4; 19].

“Хушбўй нон тафти” боби адибнинг болалик хотиралари асосида ёзилган. *“ ....энамнинг кечаси туриб полвон элақда ун элаганини, Карсон товоқда хамир қорганини ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким билмаган..”* [4; 17] деб бошлайди бобни муаллиф. Аслида ҳам, бобда асосий образ она- ю, ундаги моҳият шу билан боғланиб қолгандек.

“Тош остида қолган шол рўмол” бобида ҳам “ЭНА” билан боғлиқ воқеа асос вазифасини бажарган. Воқелик болалик хотиралари асосида берилади.

“Қишлоқ прозаси” ижодкор ижодида муҳим ўрин туттади. Асарнинг дастлабки бобларидаёқ шу руҳ кузатилади. Бу, айниқса, ижодкорнинг “Қуёшим энам” воқеий қиссаси бобларида яққол намён бўлади. Бу тўпламга киритилган бобларнинг асосий мавзусини қишлоқ ҳаёти, бу ер одамларининг

дарду қувончи, орзу ва армонлари ташкил этади. Ижодкор Қашқадарё қишлоқлари одамлари ҳаётини тасвирлайди, чунки адиб бу ерларни жуда яхши билади, болалиги шу жойларда кечган.

Биламизки, қишлоқ одамлари табиатан бир оз содда, тўпори, дангалчи, аммо самимий бўлади. Қишлоқда деярли ҳамма бир-бирини танийди, одамлар ўртасида меҳр-мурувват, андиша, ор-номус каби инсоний фазилатлар ҳам кучлироқ бўлади. Миллий хусусиятлар, урф-одат ва анъаналар, маҳаллий муҳит ҳам қишлоқда яққолроқ кўзга ташланади.

*“Шу жонни олар совуқда Бадахшонда тўй бўлди. Абсалом ака ўғилчасининг кўлини ҳалоллади. Пешин маҳали дошқозонлар очилди. Қозоннинг атрофини элдан бурун бола-бақра ўраб олди. Улар билади Бадахшонда тўй оши биринчи бўлиб болаларга берилишини. Қора-қура болалар ушлаб турган сирли товоқларга бир-икки капгирдан ош ташланди. Улар укачаларини етаклаганча буғи чиқиб турган ошни иссиғида еб олиш учун тўғри келган жойга чўк тушиб, ишга тушиб кетадилар. Суви шулқиллаб турган бурунларини торта-торта, чопонлари енгига арта-арта беш панжаларини товоққа баравар ботириб ошни еб битирадилар. Бўлди – болаларга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Улар гала-гала бўлишиб ўйнаб юрадилар [4; 54].*

Ёзувчи қишлоқ колоритини таъсирчан деталлар орқали тасвирлайди. Кўз олдимизда қишлоқ манзараси яққол намён бўлади. Муаллиф манзарани тасвирлашда энг кичик жиҳатларга ҳам эътиборни қаратади. Юқоридаги парчага эътибор қаратсак, унда адибнинг қишлоқ ҳаёти, муҳитини ишонарли тасвирлаганига гувоҳ бўламиз.

Ижодкорнинг ўзига хос хусусиятлардан яна бири маънавий муаммоларнинг бадиий ифодасидир. Уларда инсонийлик, ҳалоллик, ўз эътиқодига содиқлик, инсоннинг қадр-қиймати, ор-номуснинг кучлилиги, умуман, реал ҳаётда мавжуд турли-туман инсоний муаммолар, муносабатлар ёритилган. Бу ҳикояларда турфа тақдирли инсонлар ҳаёти, характери тасвирланган.

Ижодкор ҳам тил масаласида талабчан. Ёзувчи асарлари тили ортиқча тафсилотлар, узундан-узоқ изоҳлардан холилиги билан ажралиб туради. Жумлалар ихчам содда тузилади. Ёзувчи кўпроқ Қашқадарё цеваларига хос



сўзлардан фойдаланади. Унинг асарларида йўқолиб кетаётган, кўпроқ кекса авлод тилида сақланиб қолаётган сўз ва иборалар кенг учрайди.

*Жилбоши кепти билдингизма?*

*Отани бориб кўрдингизма?*

*Отангизни кўраятиб,*

*Қарриганин билдингизма? [4; 113].*

*Жилбоши кепти билдингизма?*

*Жилбоши кескан жедингизма?*

*Жилбоши кескан жияятиб,*

*Шойдала шарт бўлдингизма? [4; 117].*

Ёзувчи ўз бадий ниятини ифодалашда халқ оғзаки ижоди дурдоналари бўлган мақол, матал, афсона, шартлилик воситаларида, халқ жонли сўзлашув тилининг шева ва архаик сўзларидан самарали фойдаланган.

*“...Аёлларнинг кўкраklarини ҳапамат, гулбанд қизилмаржон, томоқларини томоқча (аёллар тақинчоғи), билакларини билакч (аёллар тақинчоғи), бурунларини летиба, бармоқларини эса кумуш узуклар безар, ҳар бир тақинчоқ эгаси томонидан тизилганлиги...” [4; 119- 120], “...чечамлар қаярда?» [4; 134], «...Алла айтишим учун биранта чақалоқди бешикка бўлашкерак. Бўмаса, айталмайман...”*

Умуман олганда, “Қуёшим энам” воқеий қиссасида ёзувчининг хотира ва кўрган кечирганлари баён қилинган. Лекин ёзувчининг мақсади воқеаларни, хотира ва кўрган кечирганларини оддий баён қилиш тасвирлашдан иборат эмас. Балки ОНА мисолида табиатнинг сир-асрорларга тўла эканлиги, ҳеч бир нарса бежизга яратилмаганлиги, ҳаётимиз мўъжиза, тасодифларга эга эканлигини кўрсатишдир.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабиёт назарияси. II- жилдлик. Адабий ижодда услуб. II- жилд – Тошкент: Фаң, 1979. – 158 б.

2. Казаков Ю. Две ночи. – Москва: Современник, 1986. – 312 с.
3. Мардонова Г. Ори қўшиқ бўлган юрт. – Тошкент: Ниҳол, 2010. – 90 б.
4. Мардонова Г. Қуёшим – энам – Тошкент: Шарқ, 2021. – 208 б.
5. Стоун И. Биографик қисса ҳақида (Оксфорд университетида ўқилган маъруза) / Жаҳон адiblари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). – Тошкент: Маънавият, 2010. – 100 б.
6. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2019. – 192 б.